



Оилавий психологик консультация ва унинг усуллари

Раъно Исмайлова

“Маҳалла ва оила” илмий тадқиқоти институти катта илмий ходими,
психология фанлари номзоди

Никоҳ ва оила замонавий жамиятда қийин даврни бошдан кечирмоқда. Моддий аҳволнинг ёмонлашуви, тўлиқ бўлмаган оилалар сонининг кўпайиши, фарзанд кўришга бўлган қизиқишининг пасайиши (шу жумладан, бефарзанд оила), болаларни оиладан четлаштириш - буларнинг барчаси бизга оиладаги инқироз ҳолати тўғрисида хабар беради.

Кўп муаммолар оилавий ҳаётдаги ўзгаришлар, низоли вазиятлар, оила аъзолари ўртасидаги муносабатни бузишилиши жараёнида юзага келади. Мустақил оила муаммоларни ўзи ҳал қилишга интилади. Баъзи ҳолларда бу ёрдам бериши мумкин, бошқаларда эса қарама-қаршиликларнинг янада кучайишига олиб келади.

Бундай масалалар одатда уятчанлик ва уларни тушунмасликлари фикри остидаги қўрқуви туфайли дўстлар ва бошқа одамлар билан муҳокама қилинмайди. Шунинг учун, вазиятни янада объектив ва профессионал кўриб чиқадиган мутахассис - оилавий психолог билан боғланиш тавсия этилади.

Оилага психологик ёрдам - бу оилавий психолог фаолиятининг қўплаб ўйналишларини ўз ичига олган кенг тушунчадир. Бу инқизор шароитида оила ва унинг алоҳида аъзоларини маънавий, ҳиссий ва руҳий қўллаб-қувватлашдан иборат. Оилавий психолог - бу эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг универсал мутахассиси деб аталса, муболоға бўлмайди. Барча даражадаги оилавий муносабатларни уйғун ривожлантириш учун психологик ёрдамга бўлган эҳтиёжни қондириш оилавий психолог ваколатига киради.

Оилавий психолог -консультант психология фанининг ҳар қандай соҳаси - когнитивизм, психоанализ, гуманистик психология ва бошқаларнинг тарафдори бўлиши мумкин. Психолог-консультантнинг вазифаси маълум бир кишига ёки мурожаат қилган одамларнинг кичик групхига ўзининг ишончлилигини кўрсатадиган усул ва методлардан фойдаланган ҳолда психологик ёрдам кўрсатишdir. Шу билан бирга, оиласда конструктив ўзгаришлар юз бериши учун, муносабатларга ёрдам беришдан ташқари (муносабатларга ёрдам бериш фонида), маълум бир роллар тўплами таъсиридан фойдаланиш мумкин. Психолог-консультант томонидан қўлланиладиган таъсирларнинг тўплами унинг назарий йўналишини акс эттиради. Бироқ, бугунги кунда психолог-консультантларнинг аксарияти эклектик бўлиб, турли хил назарий ёндашувларда ишлаб чиқилган техника ва усуллардан амалиётда фойдаланадилар.

Анъанага кўра психологик маслаҳат беришнинг асосий усули - бу сұхбатдан фойдаланади, яъни оилани ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам беришга қаратилган сұхбат. Анъаналар, албатта, яхши, аммо амалий психология "бу ерда ва ҳозир" мавжудлик тамойилига амал қиласди. Замонавий маслаҳат амалиётида (шу жумладан оилавий маслаҳат) эклектизм устунлик қиласди. Психолог -консультантлар турли хил психотерапия мактабларида ишлаб чиқилган барча бой усул ва услублардан фойдаланадилар: К.Рожерснинг диалогик алоқаси ва Жейкоб Моренонинг психодрамасидан тортиб, НЛП (нейролингвистик дастурлаш)

технологияларига ва, албатта, тизимли оилавий терапия. Фикр-мулоҳаза билдириш учун "ёзувдаги социограмма", "оилавий ҳайкалтарошлиқ", "оилавий хореография" каби психотехника воситаларидан фойдаланилади. Ўз оиласи ва ундаги муносабатларни ижод жараёнида кўрсатиш муносабатларни ўрнатиш, ҳиссий соҳани уйғулаштириш, ташвиш даражасининг пасайиши ва ижодий салоҳиятни намоён қилишга ёрдам беради.

Албатта, энди консультант сифатида иш бошлаган ёш мутахассислар: "Нимани ишлатиш керак?" деган саволни тез-тез беришади. Воситаларни танлашда сиз Ж.Пол савол сифатида тузган таниқли услугий позицияни эслаб қолинг: **«Қандай, ким томонидан ва қайси шароитда амалга оширилган ёрдам аниқ муаммоси бўлган мижоз учун самарали ҳисобланади?»**

Оилавий муносабатлар бўйича консультация беришда, усул ва техникаларни танлаш консультация жараёнини олиб борадиган даражага қараб белгиланади. Консультациянинг ташқи ва ички (чуқур) даражаси ажратилади.

Ташқи даражадаги иш шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилиш учун етарли. Албатта, К.Роджерс томонидан яратилган гуманистик ёндашув асосида бир-бирига ёрдам бериш муносабати техникасинидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Когнитив-хулқ- автор ёндашув асосида фикр, ҳиссиёт ва ҳатти-ҳаракат даражасидаги ўзгаришларга олиб келадиган техникалар оиласида ишончли муносабатларни шакллантиришга ва оиланинг ҳар бир аъзосига уларнинг онгида бўлган ҳамма нарсани ҳамда ҳақиқий ҳис-туйғуларини ифода этишга ёрдам берадиган очиқликни яратади. Бу муаммони ҳал қилиш йўлидаги ўзига ва бошқа одамга нисбатан биринчи қадамдир.

Чуқурлашган (ички) даражада (гиёҳванд шахсга бевосита қарамлик, тобеликда бошқарувчилик ёки ҳукмронликни қайта тақсимлаш муаммолари билан ишлашда) айнан онгли жараёнларга таъсир ўтказиш учун зарур

бўлганда, психоанализ, гештальт терапия ва албатта, оилавий психотерапиянинг турли соҳаларида ишлаб чиқилган техника ҳамда усуллардан фойдаланилади.

Бироқ, ички, чуқурлашган даражада ишлашга эҳтиёт бўлиш керак. Мактаб ёки олий таълим муассаси психологи асосан ташқи даражада иш олиб боришади. Инсон руҳияти ўта нозик “зарар етказма” тамойилига амал қилиш лозим. Ички, чуқурлашган даржада мижосни яхшиси психотерапевтга йўналтирилгани маъкул. Чунки онг ва онг ости ҳодисалари, ўта тушкунлик (депрессия), руҳий бузилиш, вахимага тушиш каби вазиятлар билан ишлашда тиббий маълумотга эга бўлган ва психотерапия бўйича маҳсус курсларни битирган мутахассис ишлаши лозим. Лекин психолог-консультант ҳам маслаҳатнинг ушбу даражасида жуда кўп ютуқларга эришиш мумкин. Психолог- консультант шлатиш мумкин бўлган тактика, усулларни яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Иккита иш тактикаси мавжуд:

Биринчиси, когнитив жиҳатни мустаҳкамлашни ўз ичига олса, **иккинчиси**, аввало, муносабатларнинг ҳиссий, эмоционал томони билан, муносабатлардаги бузилишларнинг онгсиз сабабларини қидириш билан ишлашга қаратилган.

Бу ерда психолог, асосан, болаларнинг психологик ривожланиши ва уларни тарбиялашнинг энг муҳим масалаларини, айниқса улар билан ота-она муносабатларини очиб беради. Шунга кўра, ушбу сухбатни (ҳеч қандай панд-насиҳатсиз, узундан-узун маъruzasiz) ўзгарган вазиятга мос равишда ота-оналарнинг ҳаракатларини ўзгартириш дастурини биргаликда ишлаб чиқиши билан яқунлаш мумкин (Гаплашишнинг энг яхши усули нима? Қандай мақташ керак? Мажбуриятларни қандай тақсимлаш керак? ва бошқалар). Ўз-ўзидан равшанки, ота-она билан аниқ тушунарли тилда, мураккаб атамалар ва схемаларсиз гаплашиш керак.

Хулқ-атвор психологиясида ишлаб чиқилган психотехника “ота-она ва бола муносабатлари муаммоси”да самарали иш беради. Масалан, фарзандидан шикоят қилиб, уни деярли “махлук”қа айлантириб қуйган онани барча қоидаларга риоя қилған ҳолда тинглаб, унга ўз фарзандини кун давомида “кузатиш ва кейинги иш учун маълумот тўплаш” бўйича уй вазифасини берилади. Онага бир варақни иккига бўлинишини ва фарзандига қачон, нима учун ва қандай қилиб “мехрибонлик кўрсатган, масалан қучоқлаб ўпган, бағрига босган” ёки “танбех берган” (хато иши учун)нини диққат билан белгилашини сўраш мумкин, демак, бир томонда - "+", бошқа томонда - "-". Одатда оналарнинг сабри бир ҳафтага етиб бормайди, улар ажойиб фарзандлари борлиги тушуниб, фарзанди бу ҳолатга қандаб чида бекелганигини ҳайрон бўлган ҳолда айтишади. Маълум бўладики, кун давомида она фарзандига 30-40 марта гача танбех берган (ҳеч қандай сабабсиз) ва фақат уч марта мақтаган. Албатта, бу вазиятда она учун бошқа маслаҳат керак эмас. Лекин онани ота-она ва бола муносабатлари бўйича тренингда қатнашишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу идеал вазият. Психолог консультантнинг вазифаси ҳоҳ ота ҳоҳ она бўлсин уларни ана шу идел вазиятгача олиб келишдир.

Оилавий муносабатларни қайта тиклаш масаласида иш олиб борганда ўйинлар, психодрама ёки ролларни моделлаштириш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Айниқса, тинмай гапиришни яхши кўрадиган ва фақат ўз фикрларининг оқимиға ғарқ бўладиган ота-оналар билан ишлашга тўғри келганда бу усуллар жуда қўл келади. Ушбу усуллар, бир томондан ота-онани реал воқеликка олиб киради, турли ролларни синаб қўришга имконият беради (нафақат ўз шахсий ролини балки бола ролини ҳам ижро қилиб кўради). Бошқа томонидан бу можозга вазиятдан чиқиб, муаммога бошқа томондан қарашга, ўз хатти ҳаракатларини ўзининг ва бошқаларнинг кечинмаларини адекат баҳолашига имконият туғдиради, демак ўз ҳул-атворини бошқаришни ўрганади.

Оила билан ишлашда қатор усуллар тизимидан фойдаланиш, мумкин, бу ерда оилавий вазиятни ўзгартириш учун ишлатиладиган техника билвосита, бевосита таъсирларга асосланади.

Шу билан айтиш жоизки, мижозларнинг психолог билан ишлашга тайёрлиги оиланинг талабини қондириш ва мақсадга эришиш учун муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Танланган усул ва техникалардан ташқари айнан мижознинг психолог ишлашга тайёр бўлиши учун психологнинг ўзи ҳаракат қиилиши керак бўлади. Келажакда у ижобий натижалар бериши мумкин, бу эса оилавий тизимда ўзгаришларга олиб келади, ҳаёт сифатини яхшилайди ва оилавий муносабатларни уйғунлаштиришга олиб келади.